



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 201 (13.534)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари!
Нью-Йоркда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси доирасида Сиз билан учрашимиз имконияти ҳамда очик ва самимий мулоқот учун миннатдорлик билдираман.

Сизни Ўзбекистонни жадал ривожланган хусусий секторга, инклюзив ва барқарор ривожланиб бораётган иқтисодийга эга замонавий давлатга айлантириш йўлидаги фаолиятингиз билан яна бир бор қўлайман.

Жаҳон банки гуруҳи Сизнинг бу борадаги фаолиятингизни қўллаб-қувватлашга тайёр экани, Сиз томонингиздан ташкилотимизга билдирилаётган ишонччи юксак қадрашларимизни алоҳида қайд этмоқчиман. Биз Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни қўллаб-қувватлашда Сизнинг етакчи ҳамкорингиз бўлишга тайёرمىз, ўтган ҳафта умумий қиймати 450 миллион АКШ долларига тенг учта инвестиция лойиҳасини имзолаганимиз шундан далолат беради. Ушбу лойиҳалар Ўзбекистонга электр энергетикаси, ирригация ва чорвачилик тармоқини ривожлантиришни рағбатлантириш учун зарур бўладиган сармоя киритиш имконини беради.

Сизнинг мева-сабзавотчилик ва чорвачиликни ривожлантириш орқали қишлоқ ҳўжалиги соҳасини диверсификация қилиш ва самарадорлигини оширишга қаратаётган алоҳида эътиборингиз менда катта та-

ассурот қолдирди. Пахта йиғим-теримида иштирок этувчилар меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш ҳамда олдин қўлланилган меҳнат шакллари бартараф этиш бўйича қатъий сазй-ҳаракатларингиз жуда ижобий қабул қилинди.

Мен Сизнинг техник ва молиявий кўмак бўйича мурожаатингизни қўриб чиқдим ҳамда уларни тайёрлаш бўйича ишни тезлаштириш юзасидан топшириқ бердим. Сизнинг ташаббусингиз билан ишлаб чиқилган Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар жараёнида эҳтиёжлар орттиришни инobatга олиб, биз мамлакатингиз билан Шериклик стратегияси доирасида Жаҳон банки гуруҳи томонидан молиялаштиришни тезлаштириш ҳамда таркибий ислохотларни амалга ошириш, ижтимоий ва асосий инфратузилмани модернизациялаш, қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилишда юқори даражадаги техник кўмак тақдим этишга тайёرمىз.

Мен Жаҳон банки бош ижрочи директори Кристалина Георгиева ва минтақавий вице-президенти Сирил Мюллерга истиқболдаги ҳамкорлигини муҳокама қилиш ва қелишиб олиш учун Сиз билан яқин вақтда учрашиш бўйича топшириқ бердим. Музокараларимиз давом этишини сабрсизлик билан кутиб қолам.

Ҳурмат билан,

Жим Ёнг КИМ,
Жаҳон банки гуруҳи президенти

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Азим Самарқанд,
қўҳна Бухоро, Амир
Темурга бешик
бўлган Шаҳрисабз
замини, буюк
мозийдан сўзловчи
Хива – буларнинг
бари асрлар оша
тиллардан-тилларга
достон бўлиб,
сайёҳлару хорижий
меҳмонларни ўзига
жалб этиб келмоқда.



ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Пойтахтимиздаги “Ўзэксмарказ” кўргазмалар залида давом этаётган “Ипак йўлида туризм” 23-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси ташриф буюрувчилар билан гавжум. Юзлаб хорижий меҳмонлар мамлакатимизнинг туризм салоҳияти, миллий ҳўнармандчилик намуналари билан яқиндан танишиб, миллий қўй-қўшиқ ва лапарлар, алёрлардан, урф-одат ва инсоний кечинмалар ҳақида қўйловчи чанқовуз садоларидан баҳраманд бўлишмоқда.

Ўзбек халқи табиатидаги меҳр-оқибат ва меҳмондўстлик, шонли тарих ва маънавият сарнамаси самарасида яратилган нодир осори-атикалар, ундаги мураккаб ва нафис нақшлар уйғунлиги сайёҳлар, хорижий меҳмонларнинг хайрат ва ҳавасига сабаб бўлмоқда. Дунёнинг турли минтақаларидан элиқдан зиёд сайёҳлик компанияси ҳамда фирмалари иштирок этаётган мазкур ярмарка ана шундай кўтаринки қайфиятда, ўзаро ҳамкорлик алоқаларига бой тарзда ўтмоқда.

ЎзА муҳбири ярмарка иштирокчиларининг таассуротлари билан қизикди.

Катя ЧЖУ, “Катюша Тур” сайёҳлик компанияси бош директори (Сингапур):

– Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда, қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бу йўналишда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Ипак йўлида туризм” Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси ана шундай йирик лойиҳалардан биридир. Бу халқаро сайёҳлик компанияларини мамлакатга жалб қилиш билан бирга, мазкур йўналишда фаолият юритаётган фирма ва ташкилотлар учун жаҳон бозорига ўз хизматларини намойиш этиш имконини ҳам бermoқда. Ўтган йили юртингизда ўтказилган халқаро ярмаркада биринчи бор иштирок этиб, катта тўпламдаги шартномаларни имзолашга муваффақ бўлган эдик. Бу фаолиятимизни янада кенгайтириш, хизмат турларини сифат жиҳатдан яхшилашга имкон берди.

(Давоми 2-бетда)

қирғиз Давлат чегараси делимитациясига оид картографик ҳужжатларни, шунингдек, электрон (растрли) картографик ҳужжатларни тасдиқлаш назарда тутилмоқда.

Ҳужжатга биноан томонлар қолган участкалардаги Давлат чегара чизиги ўтиши масалаларини ҳал қилиш учун музокараларни давом эттирадиган ҳамда тегишли шартномани тайёрлайдилар. Шунингдек, Шартномада ўзбек-қирғиз демаркация Қўшма комиссиясини тузиш ҳам назарда тутилган бўлиб, комиссия Шартномага мувофиқ Давлат чегарасининг қилишилган айрим участкаларида демаркация ишларини амалга оширади.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, чегара мавзуси икки мамлакат муносабатларидаги асосий масалалардан бири бўлиб, ушбу шартноманинг ратификация қилиниши давлатларнинг икки томонлама муносабатларини янада ривожлантириш, қардош халқларимиз дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий асос ва янги омил бўлиб хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ БАҲРИКЕНГЛИК МУҲИТИДА ТАРБИЯЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда бўлиб турган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А.Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари 4 октябрь кuni Тошкент бўлорди.

Ўзбекистонда дин ва эътиқод эркинлиги, диний бағрикенглик тўлиқ таъминланган. Юртимизда яшаётган турли миллат ва дин вакилларининг эмин-эркин эътиқод қилиши учун барча шароит яратилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 19 сентябрь кuni БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва Бош Ассамблеянинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича илгари сурган ташаббуслари бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичда давом эттиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлодга муқаддас динимизнинг асл моҳиятини ўргатишда Тошкент ислом университети муҳим ўрин тутди. Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегация аъзолари университетда нашр этилган илмий-оммабоп адабиётлардан иборат кўргазма билан танишди. Университет Манбалар ҳазинасида сақланаётган қўлёзма асарлар, тарихий манбалар, хатотлик намуналарини кўздан кечирди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2017 йил 4 октябрь кuni Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис ишида Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Сенаторлар ишни “Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек-қирғиз Давлат чегараси тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2017 йил 5 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини қўриб чиқишдан бошладилар. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2017 йил 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистон Республикасига амалга оширган давлат ташрифи давомида эришилган қелишувларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш юзасидан қабул қилинган амалий ҳаракатлар Режаси (“Йўл харитаси”) ижросини таъминлашга қаратилгандир.

Шартнома билан 1170,53 километр узунликдаги ўзбек-қирғиз Давлат чегара чизигининг Тавсифини ва ўзбек-

ИСЛОМ ДИНИ ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи кўп қиррали мазмундорлиги билан халқаро аҳамият касб этди.

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида давлатимиз раҳбарининг нутқида алоҳида мавзу бўлган, катта қизиқиш билан кутиб олинган диний-ахлоқий, маънавий-маърифий, тинчлик бобидаги фикрлар муҳокама-лар мавзуси бўлди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва бошқа диний ташкилотлар вакиллари, диний таълимга иxtисослашган олий ўқув юрталари ўқитувчилари, талабалар, маҳалла фаоллари, экспертлар, маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда диний бағрикенглик, ўзаро ҳамжихатлик, бирдмлик руҳида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молиқлиги, бу борада янги босқичда давом этаётган ислохотлар халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил эканини алоҳида қайд этди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев фуқаролар дарду ташвишларини енгиллатиш, хоҳиш-истакларини таъминлаш, нафақат моддий, балки маънавий эҳтиёжларини рўёбга чиқариш борасида алоҳида аҳамиятга молиқ ишларни амалга оширмоқда, – деди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Ўсмонхон Алимов. – Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини дунё жамоатчилигига етказди, унинг бағрикенглик, тинчлик ва тараққиқпарвар жиҳатлари ҳақида

гапирди, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ғоясини илгари сурди. Бу, албатта, дунёда Ўзбекистоннинг дўстлари янада қўлайлигига туртки бўлди.

Дарҳақиқат, таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда муқаддас динимизни, улаомларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарихий обидаларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу каби хайрли ишлар юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, пойтахтимизда барпо қилинаётган Ислom цивилизацияси марказида академия, кутубхона, архив ва қўлёзмалар фонди ташкил этилади. Мазкур марказни буюк мутафаккир ва улаомлар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атикалар, замонавий илмий-тадқиқот ишлари, видео ва фото ҳужжатлар билан бойитиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда мавжуд масжидларни реконструкция қилиш, илмий-бадий китобларни чоп этиш, диний йўналишдаги олий таълим муассасаларига қабул квоталарини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги нут-

қини алоҳида қизиқиш билан кузатдик, – дейди Рус православ церкви Тошкент ва Ўзбекистон епархияси раҳбари, митрополит Викентий. – Ўзбекистонда вийдон эркинлиги қароқлашмоқда. Бу кундалик юмушларимизда ўз аксини топтоқда. Фикримга ёрқин мисол. Яқиндагина Москва ва Бутун Рус Патриархия Кирилл Ўзбекистонда бўлиб, миллатлараро тинчлик-тотувлик, турли дин вакиллари ўртасида дўстлик ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат ҳамда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга юксак баҳо берди. У Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида халқимиз билан мулоқотлар чоғида мамлакатимизда бағрикенглик ва меҳмондўстлик муносабатларини бевосита хис қилди. Тараққиёт мезонлари ана шундай самимий муносабатлар билан юксалишини эътироф этди.

Халқаро пресс-клуб сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқи нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё ва бутун дунёда ҳамжихатликка эришиш, тинчликни сақлаш йўлида муҳим таъсиролмал бўлиши алоҳида эътироф этилди.

Улугбек АСРОПОВ,
ЎзА муҳбири

XXI саҳоси
аср
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг Жиззах вилояти Янгиобод туманида жойлашган ҳарбий қисмларидан бирида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун 10 хонадонли битта янги уй қурилиб, 4 хонадонли битта қайта реконструкция қилинган турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

• Республика Маънавият ва маърифат маркази Самарқанд вилояти бўлими томонидан маҳаллалардаги кам таъминланган, кўп болали оилаларга китоблар совға қилинди. Маънавият тарғиботчиларининг хонадонларга самарқандлик таниқли ижодкорлар билан бирга бориб, китоб топширгани, айниқса, ёшлар учун эсда қоларли бўлди.

• Наманган шаҳрида “Доктор-А Med hospital” клиникаси иш бошлади. “Бехруз Одил Савдо” масъулияти чекланган жамиятига қарашли клиника қурилишига 17 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфланди. 52 ўринга мўлжалланган шифо масканида диагностика, амбулатория, лаборатория, стационар даволаш, жарроҳлик ва физиотерапия хизматлари кўрсатилади. Замонавий ускуна ва жиҳозлар ёрдамида гинекология, урология, кардиология, буйрак, жигар ва ошқозон-ичак касалликлари бўйича аниқ ташхис қўйилиб, муолажа қилинади.

• “Навоий ворислари” кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи ўтказилди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” ва вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ўқувчилар энг кўп ғазал ёд олиш, ғазални ифодали ўқиш, ғазал матнининг насрий баёни (ёзма шарҳи)-ни ярата олиш, ғазал матнидаги тушуниш қийин бўлган сўзларни изоҳлаш каби шартлар бўйича билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

ЖАҲОНДА

• Санкт-Петербургдаги машҳур давлат Эрмитажи музейи дунёдаги энг яхши бешта музей қаторидан ўрин олди.

• Лондонлик дизайнер Жеймс Уитакер 2018 йилда чўл шароитида қуриладиган янги уй лойиҳасини тақдим этди. Уй асосан денгиз контейнерларидан қурилади. Умумий майдони 200 квадрат метр жойда учта хона, ваннахона ва меҳмонхона жойлашади. Бундай уйлар Жанубий Калифорниядаги чўлнинг 36 гектар ерида қад ростлайди. Дизайнернинг айтишича, уй ноодатий шаклда бўлади — бир нечта контейнер марказдаги бир нуқтада туташади. Унинг ичи экологик соф материаллар билан безатилади.

• Хитой пойтахти Пекин шаҳрида халқаро ахборот технологиялари кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. 10 та мамлакатдан 400 га яқин етакчи компаниялар иштирок этаётган ушбу тадбирда бешинчи авлодга мансуб энг замонавий технологиялар намойиш этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни қўриб чиқдилар. Хусусан, қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартишлар киритилмоқда. Унга қўра, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган ва жиноят қуроли ҳисобланган ашё мусодара қилинишига йўл қўйилмайди ва бундай ашё қонуний эгаларига қайтариб берилиши лозим. Бозорда янги норма юқорида кўрсатилган шахсларнинг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам худди шундай ўзгартишлар киритилди. Ўзгартишларга мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини, агар улар ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлмаса, мусодара қилиш мумкин эмас, муомаладан чиқарилган ашёлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, икки иш юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Маъбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Прокуратура тўғрисида"ги, "Банкротлик тўғрисида"ги, "Ило-тека тўғрисида"ги, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Жиноят-процессуал, Меҳнат, Жиноят-иқроия, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал, Оила, Солиқ ва Бюджет кодексларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, "Прокуратура тўғрисида"ги қонун Бош прокуратура ҳузурида тузилган Маъбурий ижро бюроси ва унинг худудий бўлинмалари маҳкамни белгилаб беришчи янги норма билан тўлдирилмоқда. Бундан ташқари, бир қатор ўзгартишлар суд ижроси ўрнига давлат ижроси лавозимининг киритилиши билан боғлиқ.

Бундан ташқари, қонунда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасида назарда тутилган умумий фойдаланишдаги иссиқлик тармоқларидан ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларидан фойдаланишга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш маъмурий ишлар бўйича судьяларга тааллуқли бўлиши назарда тутилмоқда. Умумий фойдаланишдаги электр ва газ тармоқларидан, шунингдек, электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш асбобларидан фойдаланишга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш ваколати Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Маъбурий ижро бюросига тааллуқли бўлиши белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги "Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ "Ветеринария тўғрисида"ги, "Аҳолини сил касаллигиндан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Бюджет кодексига ўзгартишлар киритилмоқда. Давлат ветеринария қўмитаси тузилиши муносабати билан мазкур ўзгартишлар билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария давлат бош бошқармаси" сўзларини "Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси" сўзларига алмаштириш назарда тутилмоқда.

"Ветеринария тўғрисида"ги қонунга киритилаётган ўзгартишлар билан Ўзбекистон Республикасини Давлат ветеринария қўмитаси ваколатларига ветеринария соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштириб бориш вазифалари киритилган. Шунингдек, давлат бошқарувининг мазкур органига ветеринар осийишликни таъминлаш, ҳайвонларнинг юқумли касалликларини эрта аниқлаш, уларга ташхис қўйиш ва улар тарқалишининг олдини олишга доир ишларнинг самарадорлиги мониторингини амалга ошириш каби вазифалар ҳамда бошқа функциялар юклатилган.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни қўлайтириш тўғрисидаги масалани қўриб чиқдилар.

Сенатнинг мазкур ташаббуси, энг аввало, мамлакатимизда фуқаролар меҳнат ҳуқуқларининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш долзарб эканлиги туфайли юзага келди.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, адолатли меҳнат шартлоғларига эга бўлишдан иборат умумэтироф этилган ҳуқуқларини амалда таъминлаш учун шарт-шароит ярати берган мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилди. Халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган мазкур асосий ижтимоий ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, қонун ҳужжатларида ўз аксини топди. Уларда болалар меҳнатидан ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга аниқ тақиқлар қўйилган.

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) аъзоси бўлгани ҳолда мазкур ташкилотнинг 14 та конвенциясини, шу жумладан, болалар меҳнатига ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик тўғрисидаги конвенцияларни ратификация қилди. Ушбу конвенцияларнинг қондалари босқичма-босқич миллий қонун ҳужжатларимизга имплементация қилинди.

Ўзбекистон томонидан бу соҳада ХМТ билан ақин ва самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, ҳозирги вақтда фуқароларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир бир қатор чора-тадбирларни назарда тутувчи 2017-2020 йилларда Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастури амалга оширилмоқда. ХМТ билан амалий ҳамкорлик туфайли мамлакатимизнинг халқаро нуфузи сезиларли даражада яхшиланди ва аниқ сил-жилларга эришилди.

Мамлакатимизда Болалар ва мажбурий меҳнат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу йўналишдаги ишларнинг аҳолини мониторинг қилиш давлат органлари билан бир қаторда инсон ҳуқуқлари бўйича фуқаролари ва миллий институтлар томонидан ҳам амалга оширилмоқда.

Қўрилган чора-тадбирлар ихобий натижаларга эришиб имконини берди. Жумладан, мамлакатимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат батамом йўқ қилинди. ХМТ конвенцияларига риоя қилиш борасида жиддий қамчиликлар бўлган давлатлар рўйхатида Ўзбекистон номи 2014 йилдан бери тилга олинмапти.

Сенаторлар 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш устуворликлардан бири сифатида белгилаб қўйилганлигини қайд этдилар. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлаш Халқ билан мулоқот ва



инсон манфаатлари йилидаги катта ишларнинг алоҳида энг муҳим йўналиши бўлди.

Мамлакатда таъкидланганидек, мамлакатимиз халқаро мажбуриятларга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига собиққа-дамлик билан риоя этилишни қатъий тасдиқлаган ҳолда, халқаро стандартларга мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини бундан буён ҳам таъминлашни кучли назорат остига олиб, бу соҳада амалий халқаро ҳамкорлик учун очик эканлигини билдирди.

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ҳамда унга йўл қўймаслик ва бу соҳада фуқароларнинг ҳуқуқларини шак-шубҳасиз таъминлаш устидан қатъий назорат урналиш борасидаги давлатимизнинг сиёсий ирода-сини ялпи мамлакатда минтақалар вакиллари алоҳида эъти-роф этдилар.

Мажлис иштирокчилари мажбурий меҳнат хавфига йўл қўймасликка доир барча чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида ҳозирги босқичда меҳнат муносабатлари соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар яхлит ва тизимли бўлишига эришиб, давлат органлари жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик борасидаги имкони-ятларни имкон қадар самарали ишга солишлари зарурли-гини таъкидладилар.

Мажбурий меҳнат хавфига йўл қўймаслик, айниқса, қишлоқ ҳўжалигида йўл қўймаслик мақсадида қишлоқ ҳўжалигини модернизациялаш, аграр секторни механизациялаш даражасини ошириш, бу соҳага инновацион технология-ларни жорий этиш бўйича қатор долзарб вазифаларни ҳал қилиш зарур бўлади. Бундан ташқари, сенаторлар таъкид-лаганларидек, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолат-ларини таъминлаш юзасидан мамлакатимизда қўрилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар тўғрисида жаҳон ҳамжамия-тига ҳолис ва тўлиқ ахборот етказиш муҳимлигини таъкид-ладилар. Мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ишларини ўтказишга, аҳолининг, ташкилотлар ва муассасалар, фермер ҳамда деҳқон ҳўжаликлари раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишланган ахборот кампаниясининг ҳамда меҳнат муносабатлари соҳасидаги қонунийликни мустаҳкам-лашга қаратилган бошқа чора-тадбирларнинг самарадор-лигини ошириш ҳам зарур.

Батафсил муҳокама қилинган қўра, сенаторлар қарор қабул қилдилар, унга қўра Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парла-мент комиссияси тузилади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, ва Тошкент шаҳар халқ де-путатлари Кенгашига тегишли худудий комиссиялар ту-зиш тасвия этилди. Улар фаолиятининг аниқ йўналишлари белгилаб олинди. Парламент комиссияси фаолиятининг очиклигини таъминлаш, парламентнинг тизимли назорати-ни ўрнатиш мақсадида белгилаб олинган тартибга қўра Парла-мент комиссияси фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, шу жумладан, мажбурий меҳнат-

дан фойдаланишнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжат-лари ва халқаро шартномаларини бажариш юзасидан мар-казда ва жойларда давлат органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари фаолиятини ўрганиш натижалари тўғрисида мун-тазам равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлиси муҳокамага ахборот киритиб боради. Худудий комиссиялар тегишли ахборотни мунта-зам равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Ке-нгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенга-шлари муҳокамага киритиб боради.

Бундан ташқари, Сенатнинг ушбу қарори билан Ўзбеки-стон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро меҳнат стан-дартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳ-нат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар маж-муи тасдиқланди. Унда қонун ҳужжатларини такомиллаш-тириш, ХМТнинг ратификация қилинган конвенциялари баж-арилиши устидан мониторинг олиб бориш, ХМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, давлат орган-лари ва фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мус-таҳкамлаш, ушбу соҳада ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича қатор тадбирлар назарда тутилган.

Қарорга қўра қонун ҳужжатлари ва халқаро меҳнат стан-дартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республика-си томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида-ги ҳар йилги ахборот БМТ Бош Ассамблеясининг расмий ахбороти сифатида тарқатилди.

Сенат қарорига белгилаб қўйилганидек, мамлакатимиз-нинг чет элдаги консуллик муассасалари орқали жаҳон ҳам-жамияти ва халқаро ташкилотлар, шу жумладан, халқаро молия институтлари эътиборига фуқароларнинг кафолат-ланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мамлаката-мизда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақидаги ах-борот етказиб турилади.

Қарорга мувофиқ ҳукумат томонидан қишлоқ ҳўжа-лиги соҳасига бозор механизми, ҳозирги за-мон фан ва техника ютуқларини жорий этишни да-вом эттириш, қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, механизацияланган теримни кенг қўллаш учун шарт-шароит яратиш берадиган ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳасини механизациялашда максимал самара берадиган қўзанинг янги навларини етиштириш, шунингдек, жалб этилаётган мавсумий ишчиларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришнинг турли усулларини ишлаб чиқиш, бу соҳадаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар қўрилади.

Қарорда жойларда меҳнатга доир қонун ҳужжатла-ри сўзсиз ижро этилаётганлиги устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда, аҳоли ўртасида ушбу масалалар юзасидан кенг ахборот-тушунтириш иш-ларини ўтказишда ва бошқа тадбирларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштирокига алоҳида эъти-бор берилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат таш-килотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтла-рини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бош-қариш бўйича Парламент комиссиясига ижтимоий шерик-лик доирасида муносиб меҳнат шартлоғларини яратиш, фу-қароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини қўлайтириш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш учун нодав-лат нотижорат ташкилотларига субсидиялар, грантлар ва ижтимоий бюртмалар ажратиш тўғрисидаги масалани қўриб чиқиш тасвия этилди.

Муҳокама якунларига қўра мажлис иштирокчилари халқ-аро ташкилотларини, молия институтларини мажбурий меҳ-натга йўл қўймаслик юзасидан Ўзбекистонда амалга оши-рилаётган чора-тадбирларга баҳо беришда ҳолис бўлишга даъват этилди.

Сенаторларнинг фикрича, қабул қилинган қарор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан фуқаролар-нинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳар қандай шакл-даги мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик масалаларига доир Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари нормала-ри ва халқаро шартномаларининг бажарилиши устидан парла-мент ҳамда жамоатчилик назорати таъсирчанлигини қу-чайтиришга хизмат қилади.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Консти-туциявий суди ва Олий суди таркибларига ўзгартишлар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сена-тининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолияти-ни қўлайтиришга қўлақлашувчи комиссияси таркибига ўзгар-тишлар киритиш, Ўзбекистон Республикасининг Германия-даги Фавқулодда ва муқтор элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисидаги ҳамда бошқа масалаларни қўриб чиқдилар.

Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ишхўрларнинг самарадорлигини туб-дан оширишга, халқаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривож-лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид давлат дастурини босқичма-босқич ижро этишга қаратилган, Сенат ваколатига қиради-ган 8 та масала, шу жумладан, 2 та қонун қўриб чиқилди. Сенаторлар томонидан қабул қилинган қарорлар халқаро ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг, фуқаролар ҳуқуқлари, эр-кинликлари ва қўнуий манфаатлари кафолатларини янада мустаҳкамлашнинг, мамлакатда барқарорлик ва фаровон-лиқни мустаҳкамлашнинг муҳим омилли бўлиб қолиши таъ-кидланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати**

Тадбирда мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъ-минлаш, ёшларни диний экстремизм, терроризм гоғларидан асраш, зарарли оқимларга кириб қолганларни жамиятга қайтариш йўлида фаол иш олиб бори-лаётгани таъкидланди.

Аҳмад Шаҳид Ўзбекистонда ёшлар учун дин ва эътиқод эркинлигини таъ-минлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, мамлакатимизнинг бу борадаги бой тажрибасига юқори баҳо берди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг асосий мақсад ва вазифалари хусусида атроф-лича маълумот олди.

Делегация аъзолари шу кун Ўзбеки-стон Республикаси Халқ таълими вазир-лиги ва Хотин-қизлар қўмитасида ҳам учрашувлар ўтказди.

М.ЭЛМУРОВО

ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу йил ҳам ярмаркада фаол қатнашишга ҳара-кат қилмоқдамиз. Анжуман доирасида хизмат кўрсатиш соҳасидаги имкониятлар намойиш эти-лаётганини юқори баҳолаймиз. Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Респу-бликасининг туризм соҳасини жадал ривож-лантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони сайёҳларнинг мамла-катингизда бўлиши учун қулай имкониятларни тўхфа этгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Бундай сайёҳ-ҳаракатлар Ўзбекистонга сайёҳ-лар оқимининг ортишига ва мамлакатнинг сай-ёҳлик соҳасидаги жозибадорлигини таъмин-лашга хизмат қилади.

Аҳмед ЭЛЫГЕНДИ, Миср Араб Респу-бликасининг Россия Федерациясидаги эл-чихонаси туризм офиси раҳбари:

– Ўзбекистонни Мисрда тарих ва замона-вийлик акс этган мамлакат сифатида били-шади. Юртингизда улуғ алломалар етишиб чи-ққани тарихдан маълум. Бу заминнинг ўзига хос табиати, ноёб флора ва фаунаси, тарихий обидаларини дунёнинг бошқа минтақаларида учратмайсиз. Шу боис юртингизга саёҳат қилишни хоҳлайдиганлар кўп. Халқаро сайёҳ-лик ярмаркасининг мунтазам ўтказиб келина-ётгани жаҳонда Ўзбекистон брендини омла-лаштиришда катта ўрин тутмоқда.

Бу йилги тадбир ҳам юқори савияда ташкил этилган. Унда дунёнинг кўплаб давлатлари-дан туристик ташкилотлар вакиллари иштирок этаётгани айни мuddо. Ўзбекистоннинг ул-кан сайёҳлик салоҳиятини намойён этаётган мазкур анжуман нафақат иқтисодий имкони-ятларни кенгайтиришга, балки турли халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳам замин яратади.

Айхан СУЛТОНОВ, "Khazar Travel" сайёҳ-лик компанияси менежери (Озарбайжон):

– Ўзбекистонда туризм саноати йил сайин такомиллашиб, сайёҳлик компаниялари фао-лияти учун катта қулайликлар яратилмоқда. Ушбу ярмарка ўзaro манфаатли алоқалари-мизни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Ярмарка доирасида тарихий, маданий, та-биат ҳамда соғломлаштириш каби сайёҳлик йўналишларига оид хизматларимиз билан қат-нашмоқдамиз. Икки кун давомида ўттизга яқин компания ва фирмалар билан ўзaro манфа-атли шартномалар тузишга эришдик. Логис-тика-транспорт тармоғида яратилаётган қулай-ликлар бизга маъқул келди.

Назира МАМАДАЛИЕВА, "Andijon Turist" масъулияти чекланган жамияти бўлим бошлиғи:

– Мамлакатимизнинг барча худудларида ту-ризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйи-ча кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, сайёҳлик операторлари улар то-монидан кўрсатиладиган хизматлар учун ту-шадиган хорижий валютадаги маблағни маж-бурий сотишдан озод қилинган. Бу эса фао-лиятимизни янада ривожлантириш, шу билан бирга, бўш иш ўринлари яратиш имконини бер-моқда.

Хусусий тадбиркорлар томонидан олис худудларда меҳмонхона, дам олиш маскан-ларининг ишга туширилаётгани бугун давла-тимиз томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқ-да. "Andijon Turist" сайёҳлик фирмаси ички туризмни оммалаштириш мақсадида транспорт ва меҳмонхона тақдим қилиш, таржимонлик каби хизматларни йўлга қўйган. Жорий йил-нинг биринчи ярмида уч юздан зиёд сайёҳга юқори даражадаги хизмат кўрсатишга эриш-дик.

Хорижий компаниялар билан манфаатли алоқаларни йўлга қўйиб, фаолиятимизни яна-да кенгайтиришни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ярмарка доирасида Ҳиндистон, Лат-вия, Туркия сайёҳлик компаниялари ҳамда қирққа яқин маҳаллий фирмалар билан шарт-нома туздик.

Маҳбуба АЛИЕВА, Тошкент давлат иқти-содий университетини халқаро туризм фа-культети доценти:

– Мамлакатимизда туризм соҳасида мала-кали кадрлар тайёрлаш тизимини янада тако-миллаштириш бўйича қатор дастур ва лойи-ҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Меҳмонхона иши, хизмат кўрсат-иш ва сервис соҳаси, гид-таржимон каби қатор йўналишларда кадрлар тайёрланмоқда. Ушбу ярмарка мамлакатимизнинг ўзига хос сайёҳлик салоҳиятини кенг намойиш этиш, бу йўналишдаги ҳамкорлиқни янги босқичга қўта-риш, малакали кадрлар тайёрлаш, хорижий давлатлардаги илғор таълим муассасалари билан талабалар алмашинувини фаоллашти-риш, уларнинг амалиёт ўташини ташкил этиш имконини тақдим этмоқда.

Университетимиз ярмаркадаги иштироки да-вомида ўндан зиёд ана шундай шартномалар тузишга муваффақ бўлди. Бундай халқаро тад-бирларнинг мунтазам ўтказилиши сайёҳлик со-ҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомил-лаштириш, хизмат кўрсатиш, сайёҳлик ва меҳ-монхона менежменти йўналиши бўйича илғор тажрибани оммалаштириш, таълим муассаса-лари ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш-га улкан ҳисса қўшади.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ
ёзиб олди**

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ БАҒРИКЕНГЛИК МУҲИТИДА ТАРБИЯЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Университетда ташкил этилган Таъ-лим, фан ва маданият масалалари бўйи-ча ислом ташкилоти – ISECONнинг "Ис-лом цивилизациясини ўрганиш" кафе-драси фаолияти, ўқув жараёни делегация аъзоларида катта қизиқиш уйғотди. Меҳ-монлар университет худудидagi Юнус-хон, Шайх Хованди Тоҳур ва Ўлабий мак-бараларини зиёрат қилди.

Профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан ўтказилган давра суҳбатида олий ўқув юртида ёшларнинг дунёвий ва ди-ний билимларни пухта эгаллаш, илмий тадқиқот олиб бориши учун яратилган

шароитлар, диний бағрикенглик маса-ласини таъминлаш борасида универси-тет томонидан амалга оширилаётган иш-лар хусусида маълумот берилди.

Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги деле-гация аъзолари Ўзбекистон ёшлар ит-тифоқи марказий кенгаши раиси К.Қуронбоев билан учрашди.

Мулоқот давомида Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг маз-мун-моҳияти, уларни умумбаширий қад-риятлар руҳида тарбиялашга қаратила-ётган эътибор ҳақида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси би-лан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил

этилди. Ушбу ташкилотга асос солинган 30 июнь санаси мамлакатимизда Ёшлар кўни, деб эълон қилинди. 2017-2021 йил-ларда Ўзбекистон Республикасини ри-вожлантиришнинг бешта устувор йўна-лиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида давлат ва жамият ҳаётида ёшлар фаолияти оширилмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати уюшма-ган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қув-ватлаш, уларни касбга йўналтири

ХУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Азиз ҳамшаҳарлар! Барча таклиф ва муаммоларингиз бўйича туманингизда фаолият юритаётган секторларга мурожаат қилинг!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жамоатчилик олдидан ҳисобот бериш шакллари ва услубларини тубдан такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини янада юксалтириш каби қатор долзарб масалалар қамраб олинган.

Ушбу қарор асосида жойларда ишларни ташкил этишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари раҳбарлари бошчилик қиладиган секторлар ташкил этилди.

Секторлар раҳбарларига ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ташкил этиш ва ҳал қилиш, шу жумладан, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ечиш юзасидан жавобгарлик юкланиб, тегишли ваколатлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича барча туманларда тўртта сек-

тор ташкил этиш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2017 йил 18 августда тегишчан қарор қабул қилинди.

Бугунги кунда шахримизнинг барча туманлари ҳудудини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича **туман ҳокими, туман прокурори, туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи, туман солиқ инспекцияси бошлиғи раҳбарлигидаги барча секторлар фаолият олиб бормоқда.**

Туман секторлари раҳбарлари зиммасига уй-жой коммунал ва йўл ҳўжалиги, энергия, сув ва иссиқлик таъминоти, транспорт қатнови, архитектура, арзон уй-жойлар қуриш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, мунаввий маҳалла ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини шакллантириш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш

бўйича аниқ мақсадга қаратилган тадбирларни ўтказиш вазифалари юкланди. Ижтимоий муҳофазанинг манзиллилиги, истеъмоил бозорида нархларнинг барқарорлиги, ижтимоий соҳа объектлари, энг аввало, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа муассасаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширишга бўлган масъуллиги оширилди.

Худудларни жадал иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, уларнинг табиий, иқтисодий ва инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қурилиши тугалланмаган объектлардан, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ва ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми ва ҳудуднинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, жойларда замонавий бозор инфратузилмасини ташкил этиш, хизмат кўрсатиш, туризм соҳаларини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш билан яқиндан шуғулланилади.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларни, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика қилиш ҳамда уларнинг барвақт олдини олиш, оилалар тотувлигини таъминлаш бўйича таъсирчан ишларни ташкил этади.

Қарор талабига кўра, сектор масъуллари маҳаллаларда уйма-уй юриш ва аҳоли билан суҳбатлашиш йўли билан вазиятни доимий ўрганиб бориш, уларга марказлаштирилган тартибда бериладиган “уйма-уй юриш дафтари”ни белгиланган талаб даражасида юритилишини таъминлаш лозим.

Шунингдек, туман секторлари раҳбарларига маҳаллаларда аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ чораларни кўриш, жойида ҳал этишнинг имкони бўлмаган масалалар бўйича таклифлар тайёрлаш ва ҳар ҳафтанинг шанба кунига қадар туманни ривожлантириш бўйича дастурга киритиш, туман ҳокимлиги томонидан киритилган таклифларни таҳлил қилиш асосида туманни ривожлантириш бўйича қабул қилинган “йўл хариталари”нинг ҳудудга тегишли қисми ижросини таъминлаш, сектор раҳбарлари томонидан бириктирилган ҳудудда амалга оширилган чоралар, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати, муаммо ва ҳал этишнинг имкони бўлмаётган масалалар тўғрисида ҳар чоракда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ҳисобот бериб бориши белгилаб қўйилди. Ўз навбатида газеталаримизда секторлар фаолияти ёритиб борилади.

Қуйида туманлар кесимида ташкил этилган секторлар жойлашган жой, манзили, ҳудуди ва телефон рақамлари тўғрисидаги маълумот эътиборингизга ҳавола этилмоқда:

Тошкент шаҳар туманлари ҳудудини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ташкил этилган секторлар

БЕКТЕМИР ТУМАНИ

№	Секторлар рақами, манзили ва телефон рақамлари	Сектор ҳудудига жойлашган маҳаллалар
1	Сувсоз даҳаси, 45а, 30-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби. 295-32-99	“Роҳат”, “Миришкор”, “Мажнунотол”
2	Роҳат кўчаси, 29. “Мажнунотол” МФЙ. 295-32-11	“Чашма”, Зилола, “Иқбол”
3	Юкори Чиринк кўчаси, 50, 290-умумтаълим мактаби биноси. 295-28-30	Абай, Хусайн Бойқаро, “Бектемир”
4	Жамил Тошкандил кўчаси, 58. 33-хонадон. 292-92-16	“Бинокор”, “Олтинтошан”, “Нурафшон”

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ

№	Секторлар рақами, манзили ва телефон рақамлари	Сектор ҳудудига жойлашган маҳаллалар
1	Марказ-2 даҳаси, Олой кўчаси, 9а. “Мустақиллик” МФЙ биноси. 236-17-91	“Мустақиллик”, “Дархон”, “Оққўрғон”, “Лашкарбеги”, Ҳамид Олимжон, “Шахрисабз”, “Оқибат”, “Нур”, “Асака”, М.Исмоилий, “Мингтола”, Янги Авайхон, “Катта Олтинтепа”, “Подшоҳот”, Авайхон, “Олтинтепа”
2	Қорасув-2, 45а, 265-34-74, 265-49-68	Гулсанам, “Катта Қорасув”, Алломиш, “Турон”, “Олмачи”, “Султония”, “Чимён”, Алишер Навоий, Шукр Бурхонов
3	Мирзо Улуғбек кўчаси, 82. Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи биноси. 260-06-37	“Элбод”, “Бўя”, “Буюк Ипак йўли”, “Сайрам”, “Навбахор”, “Олий ҳимнат”, “Олимлар”, Ҳабиб Абдуллаев, “Бог майдон”, “Шаҳриобод”, “Баҳор”, Нодирбеғим, Катта Ялангоч ота, “Камолот”, “Шалоза”, Феруза, Мунаввар қори
4	Буюк Ипак йўли кўчаси, 421. 264-10-04	“Бешкала”, Аҳмад Юғналиев, “Уйғоним”, “Ахиллик”, Азамат, “Юзработ”, Улуғбек, “Тракторсозлар”, Ал-Фаробий, Хумоюн, “Шўртена”, “Ялангоч”

МИРОБОД ТУМАНИ

№	Секторлар рақами, манзили ва телефон рақамлари	Сектор ҳудудига жойлашган маҳаллалар
1	Буюк Турон кўчаси, 75. Шароф Рашидов МФЙ биноси. 256-17-93	Шароф Рашидов, “Афросиёб”, “Мингўрик”, “Мовароуннахр”, Ойбек, Ат-Термизий, Абдулла Авлодий, “Салор”, “Фаровон”, “Лоззор”
2	Темирйўлчилар кўчаси, 30. “Темирйўлчилар” МФЙ биноси. 283-80-63	“Миробод”, “Янги Миробод”, “Байналмилал”, “Наврўз”, “Темирйўлчилар”, “Истиклолобод”, “Иноқобод”, “Тонг юлдузи”, “Заминобод”, “Биродарлик”
3	Фитрат кўчаси, 40а. “Олтинкўл” МФЙ биноси. 291-55-25	“Янги Замон”, Абдурауф Фитрат, “Қорасув”, “Сарикўл”, Фуқат, “Оқ уй”, “Файзабод”, Банокатий, “Олтинкўл”
4	Қўйлик 1-даҳаси, “Чинор” МФЙ биноси. 283-13-36	“Толариқ”, “Зиё нур”, “Парвона”, “Янги Қўйлик”, Баротхўжа, Қўйлик ота, “Бағ”, “Билмидон”, “Юксалиш”, “Чинор”

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

№	Секторлар рақами, манзили ва телефон рақамлари	Сектор ҳудудига жойлашган маҳаллалар
1	Қорақамин 2/1 даҳаси, 17а. Тошкент тиббиёт коллежи биноси. 228-40-33	“Нихол”, “Шон-шухрат”, “Юкори Бешқўрғон”, “Тепатузар”, “Табассум”, “Ғалаба”, “Мойарик”, “Чаманбос”, “Еллик”, “Мустақиллик”, “Шодиёна”, “Олимия”, “Истиқбол”, “Бўстонбод”
2	Қирқирк кўчаси, 9. Ғани Аъзамов номли МФЙ биноси. 248-60-06	“Чуқурсой”, “Гулсарой”, “Умид”, “Пахта”, “Янги Тошкент”, Иброҳим ота, “Аҳил”, “Гулзор”, Мискин, “Тараққиёт”, Ғани Аъзамов, “Қочқорик”, “Олтинсой”, Ислам ота
3	Нодира кўчаси, 19. “Хончорбоғ” МФЙ биноси. 240-24-95	“Юкори Себзор”, “Чилтўғон”, “Себзор”, “Янги Себзор”, “Хончорбоғ”, “Намуна”, “Қорасарой”, “Гуручарик”, “Хастимом”, Ҳазрати Имом, Ҳофиз Қўхасий, “Қўлпут”, Абулқасим Шойи, “Гузарбод”, “Эски шаҳар”, “Чигатой дарвоза”
4	Талабалар кўчаси, 54. “Ешлик” шаҳарчаси ҳокимлиги биноси. 227-11-63, 246-63-24	Чустий, “Қўён”, “Шифокорлар”, “Чигатой Октепа”, Мирзо Ғалиб, Беруний, “Жийдали”, “Алдон”, “Чимбой”, “Зиё”, “Ору”, “Университет”, “Ачабод”, “Хислат”

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ

№	Секторлар рақами, манзили ва телефон рақамлари	Сектор ҳудудига жойлашган маҳаллалар
1	Сергели, 8-даҳаси, 1а. “Янги Сергели” МФЙ биноси. 215-13-44	“Ўлғарим”, Ҳабибий, “Мехригил”, “Мадждор”, “Зийнат”, “Эзгулик”, “Янги Сергели”, “Соҳибқирон”, “Сўғдиёна”, “Жунарик”, “Чоптепа”
2	Сергели, 3-даҳаси, 29а. “Саховат” МФЙ биноси. 257-84-21	“Олчазор”, “Саховат”, “Иттифок”, “Софиди”, “Қипчоқ”, “Навқирон”, Нилуфар, “Нурхаёт”
3	Қўйлик, 7-даҳаси, 2. “Шукрона” МФЙ биноси. 292-61-71	“Маданият”, “Халқобод”, “Шукрона”, “Зиёкор”, “Учучилар”, “Олтин водий”, “Қумарик”, “Астрообод”, “Қўшқўрғон”, “Хонобод”, “Қурувчилар”, “Нутайқўрғон”
4	Спутник, 10-даҳаси, 62. ХУЖМШ уюшмасининг Сергели тумани бўлими биноси. 258-41-17	“Чорбоғ”, “Викор”, “Бркин хаёт”, Йўлдош, Ал-Фаробий, “Дўстлик”, “Чаргон”, “Дарё бўйи”

УЧТЕПА ТУМАНИ

№	Секторлар рақами, манзили ва телефон рақамлари	Сектор ҳудудига жойлашган маҳаллалар
1	Чилонзор, 14-мавзее, 2а. Туман ХТМФМТТЭБ бўлими биноси 177-01-54	Абдулла Қодирий, “Гузар”, “Нинабарик”, “Қўхна Чўпонота”, Журжоний, “Дегрес”, “Богистон”, “Шофайиз боғи”, “Бог обод”, “Пахтакор”, “Қўхна октепа”
2	Чилонзор, 11-мавзее, “Қўрғонтепа” МФЙ биноси. 29а. 276-43-92	“Бог чинор”, “Қорёғди”, “Қўрғонтепа”, “Тепакўрғон”, “Бекобод”, “Шарк гули”, “Хуросон”, “Заргарлик”, “Бирлик”, Ҳайратий, “Диптигузар”, “Ибрат”, Фарход, Хонламир, “Тилчиқобод”, “Шарк юлдузи”, “Давлатобод”
3	Ширин кўчаси, 1а. 272-30-66	“Найман”, “Жарбулоқ”, “Ватаи”, “Шафтолизор”, “Испроҳат”, “Ватанларвар”, “Бешайраточ”, “Оқмачи”, “Ширин”, “Ҳожиобод”, “Чаманзор”
4	Чилонзор, 31-мавзее, Қурилиш кўчаси, 2. 270-28-33	“Нуробод”, “Хамдўст”, “Катта Қални”, “Фозилтепа”, “Қоз гузар”, Алихонгўра Соғуний, “Дийдор”, Ю.Саккокий, “Чўпонота”, “Янгийўл”, “Диворобод”, “Ўрикзор”, “Хайратий”, “Қўхсарой”, “Учтепа”, “Қўрқамобод”, “Такачи”, Хуршид, “Қуйи Дархон”, Ўқир, Зуффар

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ

№	Секторлар рақами, манзили ва телефон рақамлари	Сектор ҳудудига жойлашган маҳаллалар
1	Дийдор кўчаси, 71а. 270-34-02, 270-34-05	“Катта Хирмонтепа”, Шухрат, “Хирмонтепа”, “Шараф”, “Шарк”, “Бектўғи”, Ал-Хоразмий, “Гулистон”, “Баҳористон”, “Хайробод”, “Шарк тоғи”, “Хонгўни”, “Бешқўрғон”, “Тирсақобод”
2	Чилонзор, 1-мавзее, 66-мактаб биноси. 277-10-28	“1-Катта Чилонзор”, “2-Катта Чилонзор”, “3-Катта Чилонзор”, “Катта олмазор”, “Бешқўрғон”, “1-Чарх Камолон”, “2-Чарх Камолон”, “3-Чарх Камолон”, “Новза”, “Чилонзор”, “Катта Қозиробод”
3	Чилонзор, 8-мавзее, 8а. 273-17-02	“Богзор”, Лутфий, Чўпонота, “Қўтарма”, “Навбахор”, “Октепа”, “Бешчинор”, “1-Катортол”, “Нафосат”, “Дилобод”, “Халқлар Дўстлиги”, “Катортол”
4	Чилонзор, 17-мавзее. 51. “Ботирма” МФЙ биноси. 276-49-18, 276-23-61	“Катта Дўмбиробод”, Гавхар, “Дўмбиробод”, “Накшолик”, “Зарқўрғон”, “Фидокор”, “Ботирма”, “Мехржон”, “Кичик Хирмонтепа”, “Бўрижар”, “Яккатуғ”, “2-Катортол”, “Меназор”, “Яккабоғ”

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ

№	Секторлар рақами, манзили ва телефон рақамлари	Сектор ҳудудига жойлашган маҳаллалар
1	Қўшбеги мавзее, 20. 250-18-77	“Бошлик”, “Армуғон”, “Қўшбеги”, “Дилбулоқ”, “Муҳаммадлар”, “Беларик”
2	С.Сирожиддинов кўчаси, 2. 253-84-27	“Яккасарой”, “Тўқмаия”, “Мерос”, Муқимий
3	Ўрикзор кўчаси, 142. 255-46-89	“Богсарой”, “Конституция”, Юнус Ражабий, “Теп”, “Рақат боғи”
4	Бобур кўчаси, 67. 1-корпус. Бобур номли МФЙ биноси. 255-50-30	Абдулла Қўхор, Бобур, Шоҳжўз, “Дамарик”, “Рақат”, Ҳамид Сулаймонов

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ

№	Секторлар рақами, манзили ва телефон рақамлари	Сектор ҳудудига жойлашган маҳаллалар
1	Лабзак кўчаси, 30. 1-хонадон. 177-11-10	“Шайхонтоҳур”, “Ўрда”, “Тахтапуд”, “Гулбозор”, “Лабзак”, “Жантоҳ”, “Кохота”, “Хадра”
2	Чорсу мавзее, 11. 245-70-42	“Камолон”, “Янги Камолон”, “Камолон Дарвоза”, “Катта бог”, “Янгиобод”, “Қоратоп”, “Чакар”, “Гулбод”, “Чорсу”, “Эшонгузар”, Сузукота, “Чарх Новза”, Зангиота, “Ўқчи”, “Олмazor”, Олим Хўжаев, “Самарқанд Дарвоза”
3	Бог кўча, 5. 62-хонадон. 242-18-52	“Қўча”, “Жарарик”, “Обиназир”, “Катта ҳовуз”, “Янгишаҳар”, “Оқюл”, “Қўча дарвоза”, “Сарҳумдон”, “Катта октепа”, Машнон Уйғур, “Шофайиз”, “Богқўча”, “Илор”, “Тилчиқ”
4	Ибн-Сино 2-мавзее, 9а. 218-26-51	“Белтепа”, “Янги Белтепа”, Ибн Сино, “Катта жарарик”, “Янги жарарик”, “Шодлик”, “Бўстон”, “Эски жарарик”, “Илқич”, “Ўзбекистон”, Хувайдо, Зафаробод

ЙУСУБОД ТУМАНИ

№	Секторлар рақами, манзили ва телефон рақамлари	Сектор ҳудудига жойлашган маҳаллалар
1	Юнусобод 7-мавзее, Шарқпунослик лицейи биноси. 224-55-97	“Туркистон”, “Собиробод”, “Учкаҳрамон”, “Мингчинор”, “Нурмақон”, “Астрообод”, “Қўшчинор”, “Алолат”, “Биллур”, Ҳасанбой, “Шарк Ҳақнази”, “Катта Ҳасанбой”, “Тикланиш”, “Ҳамкоробод”, Исмоилов
2	Юнусобод 15-мавзее, 247-мактаб биноси. 222-94-26	“Ахилбод”, Аҳмад Дониш, “Богипамол”, “Богизрам”, “Бободескон”, “Қадрон”, “Қуллоққўрғон”, “Муруват”, Севин, “Ўзбекистон Мустақиллиги”, “Халқабод”, “Йўлбарик”, Юнус ота, “Янгибоғ”, “Янги хаёт”
3	Марказ-4, 12. 2-хонадон. 232-08-18	“Қапқар”, “Матонат”, “Минор”, Жомий, “Янгиарик”, Уста Ширин, “Ифтихор”, “Турқўрғон”, “Анорзор”, Гайратий, “Шахристон”, “Хусниобод”, “Юнусобод”, “Отчопар-1”, “Отчопар-2”, Акбаробод
4	Юнусобод 18-мавзее, “Бегубор” МФЙ биноси. 76. 222-00-09	Шаҳх Шибли, “Бўзув”, “Бодомзор”, “Хиёбаттепа”, Фирдавсий, “Янгиаров”, “Бегубор”, “Меҳнатобод”, “Шоптепа”, “Юртобод”, Увайсий, “Обод”, “Посира”, “Богдўстон”, “Октепа”, Мирзо Улуғбек, “Буюк Турон”

ЯШНОБОД ТУМАНИ

№	Секторлар рақами, манзили ва телефон рақамлари	Сектор ҳудудига жойлашган маҳаллалар
1	Бирлашган, 2-тор кўчаси, 4. 296-52-62	“Яшнобод”, “Бирлашган”, “Парвоз”, “Дилбоғ”, “Наврўзобод”, Шоҳсанам, “Ойдинкўл”, “Янгиюр”, Ал-Бухорий, Амир Темур, “Ватандош”, “Тоғ”, Моҳмур, “Тузель”, Гузал, “Олмос”
2	Авиасозлар, 1-тор кўчаси, “Алимкент” МФЙ биноси. 22а. 296-38-30	Чўлпон, “Гўйтепа”, “Фидойилар”, “Машинасозлар”, “Бойқўрғон”, “Истиклол”, “Семур”, “Дўстобод”, “Қўсарой”, Махмур, “Алимкент”
3	Асалобод, 2-мавзее, 2. 294-42-68	“Авиасозлар”, “Асалобод”, Аҳмад Ясавий, “Баркамол”, “Бешбола”, “Бешарик”, “Бойсуи”, “Бунёдкор”, “Жарқўрғон”, Жўрабек, Маърифат, Муҳтор Ашрафий, “Фазогир”, “Хосиятли”, “Ширинбод”, “Янги давр”
4	Уйсозлар кўчаси, 45. 280-11-71	“Уйсозлар”, “Ўртамасжид”, “Иқбол”, “Мумтоз”, “Қўйлиқобод”, “Катта Қўйлик”, “Донишманд”, “Илфит”, “Катта Янгиобод”, “Тарновбони”, “Янгиқўрғон”, Нодира, “Бешқўрғон”, “Шоҳимардон”

ТОШКЕНТГА МАҲОРАТЛИ ПОЛВОНЛАР КЕЛМОҚДА

Шу йилнинг 6-9 октябрь кунлари Тошкентда бўладиган дзюдо бўйича Гран-при турнирида дунёнинг энг кучли дзюдочилари иштирок этиши кутилмоқда.

Хусусан, Қирғизистоннинг энг зур дзюдоchиси Юрий Краковецкий ҳам Тошкент татамиларида маҳорат кўрсатадиган бўлди. Бу полвон фаолияти давомида уч мартаба Осиё чемпионати совриндори бўлган.

Рио-де-Жанейро олимпиадаси чорак финалида ҳамюртимиз Абдулла Тангриевдан мағлубиятга учраган. Юрий Краковецкий ўта оғир вазн тоифасида совринли ўринлар учун курашишга бел боғлаган.

Жанубий Кореянинг Чунгжу шаҳрида жанговар яккакурашлар бўйича аънавий халқаро фестивал доирасида бутунжаҳон жанг санъатлари уюшмасининг 16-бош ассамблеяси ўз ишини давом эттирди.

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ БОШЛАНДИ

Анжуманнинг иккинчи кунинда ташкилот бош қотиби Ким Си-Хюн спорт тинчлик элчиси эканини ва у орқали миллатлар бирдамлиги ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш асосий вазифа эканини, келажақ учун миллий қадриятлар, шу қатори миллий спорт турларини сақлаш, кенг тарғиб қилиш учун юқори ну-

фузли тadbирларни мунтазам ташкил этиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Тadbирда бутунжаҳон жанг санъатлари уюшмаси академияси президенти ва спорт делегациялари вакиллари сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Учрашув сўнггида барча бўлажак му-

нирларнинг ўтказилиш саноати ҳақида тўлиқ маълумот берилди. Унга кўра, келаси йили Самарқанд шаҳрида ўзбек жанг санъати бўйича халқаро фестивал ўтказилиши эълон қилинди.

Расмий тadbирлар якунланган, жанг санъатлари халқаро фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлди.

ҲАКАМЛАР СИНОВДАН ЎТАДИ

Осиё Футбол Конфедерацияси ташкилотта аъзо федерацияларнинг ёш ва истиқболли футбол ва футзал ҳакамлари учун Куала-Лумпур шаҳрида махсус синов курсларини ташкил қилади.

Унда 3 нафар ўзбекистонлик рефери – Ахрор Рисқулзаев ҳамда Жамолддин Қосимов ва Искандар Зоитов иштирок этади. Жароҳати туфайли Дмитрий Пислегин Куала-Лумпурга бора олмади.

Иштирокчилар синов давомида фитнес-тест, видео-тест ва "Футбол (футзал) ўйини қоидалари" бўйича имтиҳон топширади. Футбол бўйича

ҳакамлар синовлардан муваффақиятли ўтса, ўз мамлакатида яна икки марта синовдан ўтади ва якунда ОФК ҳаками мақомига эга бўлади.

Синов курслари давомида Ўзбекистон футзал ҳакамлари бўйича бош мутахассис, тажрибали футзал ҳаками Шухрат Пўлатов тингловчи инструктор сифатида қатнашади.

Африка қитъасида 2018 йилги жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритиш учун ҳал қилувчи учрашувлар ўтказилмоқда.

"ЛОКОМОТИВ" ҲИМОЯЧИСИ АФРИКАДА

Саралашнинг учинчи босқичи "D" гуруҳида пешқадамлик қилаётган Буркина Фасо терма жамоаси навбатдаги учрашувини бешинчи тур ўйинлари доирасида Жанубий Африка

Республикаси терма жамоасига қарши ўтказди.

Буркиналикларнинг ЖАР-га қарши ўйинига 24 нафар футболчи қаторида Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси марказий ҳимоячиси Муҳам-

мад Коне ҳам қақирув олди. Таъкидлаш жоиз, ЖАР – Буркина Фасо учрашуви 7 октябрь куни Йоханнесбургдаги "FNB Stadium" ўйингоҳида бўлиб ўтади.

Ботир ХУЖАЕВ

Спорт янгиликлари




ПРОФЕССИОНАЛ БОКСЧИМИЗНИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Профессионал рингда кетма-кет ғалаба қозонаётган ўзбекистонлик олимпиада чемпиони Фазлиддин Ғоибназаров учинчи жангида ҳам зафар кучди.

Ўзбекистонлик боксчи Америка Қўшма Штатларида мексикалик Виктор Росас билан жанг қилди. Саккиз раундлик реинг жанги кескин ва мурасасиз курашлар остида ўтди. Фазлиддин маҳорат ва тажриба ботида рақибдан устунлигини исботлади ва очколар ҳисобида

жангни ўз фойдасига ҳал қилди.

Бунгача Фазлиддин дастлабки икки жангда Виктор Васкес ва Агустин Мавурасни мағлубиятга учратганди. Энди ҳамюртимиз 9 декабрь куни океан ортидаги туртинчи жангини ўтказишга тайёргарлик кўради.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳаракатнинг ўзи эмас, натижаси муҳим.

Болаларининг бахти очилмай ота-онанинг кўнгли ёришмайди.

Муттаҳам дўст ниқобидаги душмандир.

Кулоқ йиғади, тил сочади.

Гўзаллик садафи кўпинча дурдан холи бўлади.

Ҳаёт кўп жилдли китобга ўхшайди – умринг бўйи уни ўқиб тугатолмайсан.

Адоват косоми ҳамиша ўчган ўтни қовлаб юради.

Бола уйда олган тарбиясини кўчада намоиш этади.

Ҳасиснинг эшигини ўзидан бошқа очиб-ёпмайди.

Одам боласи ўзини алдаб яшайди-ю, бошқалардан ҳақиқат талаб қилади.

Энг узоқ саёҳат бу – кўнглига саёҳатдир.

Бахт қасрига машаққат доволондан ошиб борилади.

Кувноқ ёшлигини йўқотган қайғули қариликни топади.

Ким учун ҳикмат китобда, ким учун ҳаётда.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39.
Манзилмиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

кундузи — 13-15 даража илқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 6 октябрда Тошкент

Тошкент шаҳрида 6 октябрь куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан секундида — 5-10 метр тезликда шамол эсаяди. Ҳарорат кечаси — 5-7,

шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратаяди, ифлосланган даражаси паст бўлади.

Кўргазма

УСЛУБ ВА РАНГЛАР ЖОЗИБАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Камолддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида моҳир кулол Бахтиёр Назировнинг кўргазмаси очилди.

майдиган мазкур мактабларда қадимий аъёналар замонавий усуллар монандилигида давом эттирилмоқда.

Хунарманд Бахтиёр Назиров Риштон кулолчилиги ва ва феруза ранглардаги тасвирий безаклари ҳамда қалампис нусхали нақшлари билан ажралиб туради. Ана шу аъёналар сирини ақаси Алишер Назировдан ўрганган Бахтиёр Назиров қадимий услубларга таяниб, янги ижодий ёндашувлар билан бетакдор безак ва шакллар асосида лойдан гўзал санъат асарларини яратмоқда.

Кўргазма экспозициясига қўйилган лаган, шокоса, кўзача, хум, мевадон, қанддон каби сопол буюмлардаги услуб ва ранглар жозибасини кўриб, Бахтиёр Назиров ўз касбининг моҳир устаси эканига амин бўласиз.

Бахтиёр Назировнинг айтишича, табиий ранглар қирқбўғин ўсимлигидан тайёрланган экан. Ўсимликдан олинган кукун юқори ҳароратда кристалл ҳолатга келтирилиб, унга табиий қўшимчалар билан ишлов берилади. Мамлакатимиз ва хорижда ўтказилаётган турли кўрик-танловларнинг фаол иштирокчиси Бахтиёр аканинг орзуси ота-боболаримиз аъёнасини давом эттириш, шогирдларига кулолчилик сирини асрорини ўргатиш ва улар сафини кенгайтиришдир.

— Кулолчилик хунарини ўрганиш ҳар бир кишидан катта кунт ва сабр-тоқат талаб этади, — дейди уста кулол Музаффар Саидов. — Бахтиёр Назиров сабр ва кунт билан шу хунарни эгаллади. Мақсадига етишиш учун кунни тунга улади. Кўргазмага қўйилган сопол буюмлар унинг изланишлари ва бетиним меҳнатининг самарасидир.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
Ўза муҳбири

Мутахассис маслаҳати

ЎСИМЛИКЛАР МУҲОФАЗАДА

Мамлакатимизда ўсимликларни ва мевали дарахтларни ҳимоялаш, уларни турли зараркунанда ҳашаротлар ҳамда касалликлардан асраш учун самарали ишлар йўлга қўйилган.

Чет мамлакатлардан турли зараркунандаларнинг кириб келиши эҳтимолининг олдини олиш борасида ҳам алоҳида дастурли ишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистонда мавжуд бўлган, аммо кириб келиш хавфи бўлган, ўсимчиликка катта зарар келтирувчи ўта хавфли токнинг карантин зараркунандаси — филлоксера ҳисобланади. Ватани Шимолий Америка ҳисобланган бу ҳашаротнинг ер ости ва ер усти шакллари мавжуд бўлиб, токнинг барча навлари илдири, баргларида игна санчиб, ўсимлик ширасини сўриб озиқланади, натижада ток ўсишдан тўхтади, тоқзорлар қуришига олиб келади.

Еш қўчатлар филлоксера билан зарарланганда, ҳосилга кирмасдан нобуд бўлади.

Танаси овалсимон, сарғиш-яшил рангда, уни кўз билан илғаш қийин, ургочиси токнинг пўстлоқ

қаватига тухум қўяди. Баҳорда, совуққа чидамли тухумдан чиққан ургочи филлоксеранинг личинкалари, ёш барг новдаларини хартумида билан сўриб озиқланади, барглари орқали ширалар ҳосил қилади. Тупроқ, шамол, сув, деҳқончилик иш қуроллари, ток кўчати, қаламчалари орқали тарқалади.

Чет давлатлардан юртимиз ҳудудига, филлоксера билан зарарланган ҳудудлардан ток кўчати, пайванд учун қаламчалар олиб ўтилишида — "Ўсимликлар карантини" қоидаларига риоя қилган ҳолда олиб келиниши мақсадга мувофиқ.

Мунира САГАТОВА,
Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияси 1-тоифали агроном нозири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" давлат корхонаси томонидан Қадирова Хулқар Абдорхоновна номида Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапул кўчаси, 16а-уй манзилида жойлашган нотулар жой биноси учун 20.06.2008 йилда берилган 10:10:01:01:04:0008-сонли 10-277/2007 реестр рақамли бино иншоот кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент тиббиёт академиясининг ректорати ва касаба уюшмаси Тошкент тиббиёт академиясининг юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси профессори, академик Турғунпўлат Абидович Дамоновнинг турмуш ўртоғи Малика Зухритдиновна ДАМИНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтамти"га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г. 1035

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр курсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4638 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ